

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-51409-3.21

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР
УСЛУБИЁТИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 140000 - "Ўқитувчилар
тайёрлаш ва педагогика" таълим соҳасидаги
5140900 - "Касб таълими" бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Примов М.,
к.ўқ. Султонов Қ.

Такризчилар: проф. Куронов М.,
доц. Бабашев Ф.

"Тарбиявий ишлар усуликаси" фани бўйича ушбу ўқув дастури тарбия жараёнларидаги долзарб мавзуларни қамраб олган. Айниқса, баркамол инсонни тарбиялашдаги потенциал имкониятларга асосий эътибор қаратилган.

Дастурда тарбия жараёнларининг қонуниятлари, тарбиявий ишларнинг моҳияти, тарбия воситалари, тарбиявий ишларда мулоқотнинг асосий вазибалари, тарбия усуллари, тарбиявий ишларни ташкил этишнинг шакллари атрафлича ёритилган.

В этой программе по предмету "Усулика воспитательной работы" охвачены актуальные темы воспитательного процесса. Особенное внимание уделено потенциальным возможностям в процессе воспитания всесторонне развитого человека.

В программе всесторонне освещены закономерности воспитательных процессов, сущность воспитательных процессов, средства воспитания, основные функции общения в воспитательных работах, усулы воспитания, формы организаций воспитательных работ.

In this programme in a subject "Method of upbringing work" covered urgent themes of educational process. The special attention is given to potential opportunities during education of all-round development person.

In programme was overall elucidated regular of upbringing processes, essence of upbringing processes, means of upbringing, main functions of contact in upbringing works, education methods, forms of organizations of educational works.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услугий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Иқтисодиёт олий ўқув юртларида иқтисодчи-педагогларни тайёрлаш учун зарур бўлган фанлардан бири "Тарбиявий ишлар усуликаси" фанидир. Чунки иқтисодиёт ва педагогика соҳасида хизмат кўрсатувчи ҳар бир мутахассис тарбиявий ишлар жараёнлари тўғрисида чуқур билимларга эга бўлмоғи керак.

"Тарбиявий ишлар усуликаси" фани бўйича тарбиявий ишларнинг умумий қонуниятлари ва қонунлари, тамойиллари ва услублари ҳамда баркамол авлодни шакллантириш билан боғлиқ бўлган амалий ва назарий омиллар ўрганилади.

Фанни ўрганишнинг асосий мақсади-иқтисодчи-педагогларни "Тарбиявий ишлар усуликаси" курси бўйича тарбиявий ишлар назарияси ва усуликаси бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда уларда тарбиявий ишлар олиб бориш амалиётини такомиллаштиришдан иборатдир.

"Тарбиявий ишлар усуликаси" фани бўйича маъруза ва амалиёт машғулотларини ўтказишда турли тарбия услублари каталогларидан фойдаланиш, кўп сонли ва кам сонли тест вариантларидан фойдаланиш ҳамда аудио, видео, муаммоли вазиятлар комплексларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва маҳоратларга талаблар

Мазкур фанни ўрганиш жараёнида бакалаврлар тарбиявий ишлар назарияси, тарбиявий ишларни дарс жараёнида, ўқувчиларнинг дарс жараёнларидан ташқарида, оила, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бориш бўйича билим кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

Педагоглар тарбиявий ишларни олиб бориш жараёнида ҳамкорлик моделлари, мустақил фикрлашга ўргатиш тамойилларининг чуқур эгаллашлари зарур.

Семинар машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар

Иқтисодчи-педагоглар "Тарбиявий ишлар усуликаси" фанини ўзлаштириш жараёнида амалий машғулот, семинар машғулотларни баҳс-мунозара шаклида олиб бориш, мавзулар бўйича тест вариантларини тузиш, берилган адабиётлардан фойдаланган ҳолда амалий машғулот саволларига жавоб бера олиши, рефератлар ёзиш кўзда тутилади.

Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар

Намунавий ўқув режада мазкур курсга 90 соат ажратилган. Уларнинг 30 соати маъруза, 30 соати семинар машғулотларидан, 30 соати мустақил таълимдан иборат.

Мазур курсни ўзлашириш натижасида бакалаврлар "Тарбиявий ишлар усулиқаси" соҳасига доир билим ва кўникмаларга эга бўладилар.

Бакалаврлар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

"Тарбиявий ишлар усулиқаси" курсидан бакалаврлар билимини назорат қилишда икки марта ЖБ, икки марта ОБ, бир марта ЯБ ўтазилади. Якуний баҳолаш ёзма иш шаклида ташкил этилади.

Компьютер, информация ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларни қўллаш

"Тарбиявий ишлар усулиқаси" курсини ўқитишда альбомлар, компьютерлар, аудио ва видео ускуналар, проекторлар ва слайдларни қўллаш талаб этилади.

Ўқув дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

Касб таълими" йўналишларида "Тарбиявий ишлар усулиқаси" фани намунавий ўқув режаси бўйича 8-семестрда ўқитилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Тарбиявий ишлар усулиқаси" курсининг предмети

Шарқ олимларининг тарбия тўғрисидаги ғоялари.

Я.А. Коменский "синф-дарс" тизимидаги тарбия назариясининг асосчиси сифатида.

Тарбия назариясининг ривожланишига Ғарб ва Россия олимлари қўшган ҳиссалари.

Туркистонда жадиличлик даврида тарбия назариясининг ривожланиши.

Тарбия назариясининг замонавий фалсафий-усулологик асослари. Тарбия назариясининг ўқув-тарбиявий ишлар амалиёти билан боғланиши.

Инсон-тарбия предмети сифатида

Ривожланиш жараёнида боланинг ўзгариши. Жисмоний, физиологик, рухий ўзгаришлар. Ижтимоий жиҳатдан ўзгаришлар.

Киши ривожланишида биологик ва ижтимоий омиллар.

Ишлаб чиқариш фаолияти-шахс шаклланишидаги муҳим омил сифатида. *Инсон ривожланишига таъсир этувчи омиллар: ирсият, географик муҳит.* Етакчи омиллар: ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, тарбия, ишлаб чиқариш фаолияти, микромуҳит.

Турли ёш даврларида тарбия жараёнлари ва инсон ривожланишининг ўзаро алоқадорлиги

Турли ёш даврлари ва тарбия жараёнлари тўғрисида Ж. Пиаже ва Л. С. Выготскийнинг назарий қарашлари.

Бола ривожланишидаги ёш давралари тўғрисида замонавий фанлардаги қарашлар.

Замонавий педагогика амалиётидаги тарбиявий ишлар жараёнида таркиб топган даврлар.

Бола ривожланишидаги индивидуаллик ва услубийлик.

Тарбиявий ишларнинг мақсади педагогик муаммо сифатида

Тарбиявий ишларнинг мақсадлари, тизими. Тарбиянинг умумий мақсади. Муайян ёшдаги болаларни тарбиялаш мақсадлари. Ўқув-тарбия муассасасининг тарбиявий ишлар фаолиятидаги мақсади. Алоҳида ўқув курсини ўрганишдаги мақсад. Алоҳида машғулотлар ва тадбирларнинг тарбиявий мақсадлари.

Баркамол авлодни тарбиялаш-тарбиявий ишларнинг умумий мақсади.

Баркамол авлод тушунчасининг мазмуни.

Тарбияланувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш, дунёқарашлар, ишончлар ва тамойиллар тизими сифатида.

Тарбияда илмийлик ва диний дунёқарашнинг ўзаро муносабати.

Ғарбдаги замонавий педагогик таълимотларда тарбиянинг мақсадлари. Тарбиянинг умумий ва индивидуал мақсадлари

Фуқарони тарбиялаш. Шахсни ўз-ўзини такомиллаштириши мақсадида тарбиялаш.

Инсонпарварлик тарбияси. Яшай олишни таъминлаш мақсадидаги тарбия.

Баркамол авлодни тарбиялаш-тарбиянинг умумий мақсади сифатида.

Табиий қобилиятларни аниқлаш ёши. Табиий қобилиятларни ривожлантириш.

Умумий таълим бериш мазмуни. Умумий таълим беришда билим, кўникма ва қобилиятлар, муносабатлар тажрибаси ва ижодкорлик тажрибасини ривожлантириш.

Тарбиявий ишларнинг моҳияти

Тарбиявий ишларнинг назарий-усулологик асослари. Тарбиявий ишлар-ижтимоий ҳодиса сифатида.

Тарбиявий ишларнинг табиий-илмий асослари. Тарбиявий ишларда инсон хулқининг шартли рефлекс хусусиятга эгаллиги.

Тарбиявий ишларда инсон хулқига таъсир этувчи ижобий ва салбий мустаҳкамловчилар тўғрисида америкалик олим В. Скиннер таълимоти.

Тарбия-икки ёқлама жараён сифатида.

Авторитар, демократик ва либерал тарбия типлари. Гуманистик тарбия.

Қайта тарбиялаш ва ўзини-ўзи тарбиялаш

Тарбиявий ишларнинг бошқа фаолият турларидан фарқи.

Тарбиявий ишларнинг кўп омиллилиги, узоқ муддатлилиги, истиқболлилиги, мажувийлиги.

Тарбиявий ишларнинг босқичлилиги. Босқичлардаги эмоционал мўлжал, ҳатти-ҳаракатларни тўғри бажариш қобилиятини ишлаб чиқиш. Ўзлаштириш.

Педагогик вазият. Педагогик вазифалар. Тарбиявий ҳатти-ҳаракатлар.

Қайта тарбиялаш-аввалги тарбиянинг камчиликларини бартараф этиш сифатида.

Ўзини ўзи тарбиялаш-ўзида муайян сифатларни шакллантиришга қаратилган онгли ва мақсадга мувофиқ фаолият сифатида.

Ўзини ўзи тарбиялаш босқичлари. Биринчи босқич-мақсадни аниқлаш. Ўзини билши. Идеални аниқлаш. Ўз мажбуриятларини белгилаш.

Иккинчи босқич-белгиланган вазифани бажариш бўйича ишлар. Ўзини ишонтириш ва ўзига таъсир. Ўзини ўзи руҳлантириш. Ўзига ўзи буйруқ бериш.

Учинчи босқич-бажарилган ишларни яқунлаш. Ўзини ўзи назорат ва ўзини таҳлил қилиш.

Тарбиявий ишлар жараёни натижаларини баҳолаш.

Тарбия воситалари-педагогик категория сифатида. Мулоқот-тарбия воситаси

Тарбия воситаларининг моҳияти ва хилма-хиллиги. Ахборотлар оқими хилма-хиллиги, чексиз плюрализм шароитида инсон ва жамият учун фойдали хулқ-атвор ва фаолият шакллари ишлаб чиқиш ва тарбияланувчиларнинг шахсий кадриятлар тизимини аниқлашдаги кенг имкониятлар.

Мулоқот-тарбия воситаси сифатида. Мулоқотнинг ижтимоий асослари. Мулоқотда индивидуал-шахсий хусусиятлар. Мулоқот иштирокчилари. Коммуникатор. Реципент. Ахборотнинг ўзи. Мулоқот майдони. Мулоқот воситалари ёки каналлари.

Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари. Мулоқот турларининг таснифланиши. Функционал-ролли. Шахсиятли. Ахборотли.

"Профессор-ўқитувчи-талаба" мулоқоти. "Тарбиячи-талаба" мулоқоти.

Педагогик мулоқотнинг тарбиявий характери.

Бевосита ва билвосита мулоқот.

Тарбияланувчиларнинг турли ёш даврларида педагогик мулоқот.

Мактабгача бўлган даврдаги педагогик мулоқот. Болалик давридаги педагогик мулоқот. Ўсмирлик даврида педагогик мулоқот хусусиятлари. Ёшлар билан педагогик мулоқот.

Тарбиявий ишларда педагогик мулоқотнинг асосий вазифалари, босқичлари ва самаралилик шарт-шароитлари

Педагогик мулоқотнинг вазифалари. Меъёрий вазифа. Эмоционал вазифа. Фаоллаштирувчи вазифа.

Педагогик мулоқот вазифаларини амалга ошириш воситалари. Вербал воситалар. Новербал воситалар.

Педагогик мулоқотда тактика кинестетик тил воситалари.

Педагогик мулоқот жараёнининг босқичлари. Коммуникативдан олдинги босқич. Коммуникатив босқич. Коммуникативдан кейинги босқич. *Тарбиявий ишларда педагогик мулоқотнинг самарадорлик шарт-шароитлари.*

Миллий мулоқот хусусиятлари.

Тарбиявий ишларда ўйиннинг ўрни

Шахсни тарбиялашда ўйинларнинг роли. Ўйинлар шахсда ижобий хислатларни ривожлантириш воситаси сифатида. Сенсомотор, символли, роли, сюжет-ролли ўйинлар. Қурилиш-конструкторлик ўйинлар.

Дидактик ўйинлар. Турли ёш даврларида дидактик ўйинларнинг ўзига хос жиҳатлари. Ижодий ўйинлар. Мусобақа. Конкурс. Олимпиада. Интеллектуал ўйинлар. Драмалаштириш ўйинлари. Имитация ўйинлари.

Дардан ташқари тарбиявий ишларда тарбиявий ўйинлар.

Терапевтик ўйинлар. Жисмоний чиниқтириш ўйинлари. Нерв тизимини мустаҳкамловчи ўйинлар. *Шахслараро муносабатларни енгилаштирувчи ўйинлар.* Тарбиявий ишларда миллий ўйинларнинг роли.

Меҳнат тарбия воситаси сифатида

Меҳнатнинг моҳияти. Меҳнатнинг ижтимоий характери, таркибий қисмлари. Меҳнат мотивлари. Ижтимоий муносабатлар тизимида индивид мавқеига меҳнат таъсири.

Тарбияда жисмоний меҳнатнинг роли. Жисмоний меҳнат турлари. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш бўйича меҳнат. Ижтимоий ишлар. Ишлаб чиқариш меҳнати (касб-хунар, ишлаб чиқариш). Турмуш, оила меҳнати. Тарбиявий ишларда ақлий ва маънавий меҳнат.

Ақлий меҳнат. Ақлий меҳнатнинг таркибий қисмлари. Билиш. Тушуниш. Билган нарсаларга мослашиш ва билган нарсадан фойдаланиш. Қайта ҳосил қилиш ва такомиллаштириш. Янги маҳсулот яратиш.

Ақлий меҳнат турлари. Рефератив-қайта ишлаб чиқариш меҳнати, йиғувчи-тахлилий, маърифий, абстракт меҳнат, бадиий-ижодий, ташкилий бошқарув.

Маънавий меҳнат. Маънавий меҳнатда ҳамдардлик, ҳиссий ҳамкорлик, норозилик, нафратланиш, қўшилмаслик хислатлари. Маънавий меҳнатда ички руҳий ҳолат. Маънавий меҳнат ва диний асослар.

Тарбиявий ишлар жараёнида шахс шаклланишида турли меҳнат турларини қўллаш-муваффақият шарти сифатида.

Тарбия усуллари

Тарбия усулларининг моҳияти. Тарбия усулларида тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ўзаро фаолиятга киришиши. Тарбия вазифалари ва усуллари.

Муаммоли вазият. Муаммоли вазиятдан чиқиш усулларини эгаллашнинг тарбияланувчи шахсига таъсири. Муаммоли вазиятда янги далилларнинг мавжуд билимларга зид келиши.

Синфдан ташқари тарбиявий ишларда умумий тарбия усуллари.

Тарбия усуллари. Асосий ва қўшимча тарбия усуллари.

Асосий тарбия усуллари. Фаолиятни ташкил этиш. Онгни шакллантириш.

Қўшимча тарбия усулларида стимуллар: рағбатлантириш, жазолаш, мусобақа.

Тарбиявий ишларни ташкил этишнинг шакллари ва тамойиллари

Тарбиявий ишларни ташкил этиш шакллари таснифлари.

Якка тартибдаги шакл. Гуруҳий шакл. Жамоавий шакл. Оммавий шакл.

Синфдан ташқарида тарбиявий ишларнинг шакллари.

Касб-хунар коллежи ҳаётини бошқариш ва ўзини ўзи бошқариш. Йиғилишлар. Линейкалар. Митинглар. Мураббийлик соатлари. Талабалар ўзини ўзи бошқариш органлари йиғилишлари. Деворий газеталар.

Олий таълим муассасаларида атроф-оламни билиш шакллари. Экскурсиялар. Походлар. Фестиваллар. Газеталар. Журналлар. Мавзули кечалар. Секциялар. кўргазмалар.

Дам олиш шакллари. Нонушталар. Кечалар. Турли байрамлар ва тугилган кунларни нишонлаш.

Тарбиявий ишлар жараёнини ташкил этиш шакллари таснифлари

Тамойилларнинг тарбия мақсадларига боғлиқлиги.

Мақсадга йўналтирилганлик. Илмийлик. Кўрғазмалилик. Онглилик ва фаоллик. Ҳаётий вазиятларга боғланган ҳолда тарбиялаш тамойили. Системалилик ва кетма-кетлик тамойили мустақамлик тамойили.

Ёш хусусиятлари ва индивидуал фарқларни ҳисобга олиш тамойили. Жамоада тарбиялаш тамойили.

Тарбияланувчи шахсига ҳурмат ва талабчанлик тамойили.

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАХМИНИЙ МАВЗУЛАРИ

Фаннинг мақсади вазифалари ва ривожланиш тарихи*.

Тарбия жараёнига таъсир этувчи омиллар*.

Тарбия жараёнлари ва ёш даврлари*.

Тарбиявий ишларнинг мақсади*.

Ривожланган давлатларда тарбия мақсадлари*.

Тарбиявий ишларнинг назарий-усулологик асослари*.

Қайта тарбиялаш ва ўзини ўзи тарбиялаш жиҳатлари*.

Миллий тарбия тамойиллари*.

Тарбиявий ишларни амалга ошириш воситалари*.

Педагогик мулоқот ва тарбия жараёнлари*.

Ўйинлар ва тарбия жараёнлари*.

Меҳнат фаолияти-тарбия воситаси сифатида*.

Тарбия усуллари*.

Тарбиявий ишларни ташкил этиш шакллари*.

Тарбиявий ишларни ташкил этиш тамойиллари*.

4. ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Кўрғазма-намойиш материаллар рўйхати:

- "Тарбиявий ишлар усуликаси" фанининг амалиётда қўлланилишини кўрсатувчи плакатлар;
- "Тарбиявий ишлар усуликаси" фанининг илмий-тадқиқот усуллари кўрсатилган схемалар;
- "Тарбиявий ишлар усуликаси" фанининг тамойиллари кўрсатилган кўрғазмали плакатлар.

Ўқув фильмлари рўйхати (интернетдан олинади).

Маъруза матнлари бўйича тарқатма материаллар.

Амалий машғулотлар мавзулари бўйича тарқатма материаллар.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Назорат турлари:

жорий баҳолаш учун:

- семинарнинг машғулот саволларига ёзма жавоблар тайёрлаш;
- оғзаки баҳс-мунозараларда қатнашиш;
- тест вариантларига жавоблар бериш;
- рефератлар ёзиш.

оралиқ баҳолаш учун:

- маъруза дарсларига қатнашиш;
- маърузалар мазмунини ёзиб бориш;
- маъруза дарсларида савол-жавобларда фаол қатнашиш.

якуний баҳолаш учун:

Кафедрада тасдиқланган фан варианты саволларига 1200 сўз миқдоридаги "ёзма иш"ни бажариш ёки тест саволлари, вариант саволларига оғзаки жавоб бериш.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Биз ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

10. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
12. Каримов И. А. Ҳаётимизнинг тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. Халқ сўзи. 2002 йил 6 декабр.
13. Авлоний А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1972.
14. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ, 1997.
15. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Ўзбекистон, 2000 й.
16. Поляков С. Д. Психопедагогика воспитания. -М.: 1996.
17. Селиванов В. С. Основы общей педагогики: Теория и усублика воспитания. –М.: Академия, 2000.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. (Дин, фалсафа, ҳаёт, маънавият ва маърифат сабоқлари).-Т.: Мавороуннахр, 2001.
2. Жониматова Х. Абу Али ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида. – Т.: Ўқитувчи, 1990.
3. Зуннунов А. ва бошқалар. Педагогика тарихи. – Т.: Шарқ, 2000.
4. Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. Жадид тарбияшунослиги асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
5. Кайковус. Қобуснома. – Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 1998.
6. Лихачев Б.Т. Введение в теорию и историю воспитательных ценностей. – Самара, 1997.
7. Мавлонова Р. Тўраева Ж. Педагогика. Т.: Ўқитувчи, 2001.
8. Педагогика. (А.Мунавваровнинг умумий таҳрири) -Т.: Ўқитувчи, 1996.
9. Подласый И. П. Педагогика. Новый курс. -М.: 1999.
10. Пидкасистый П. И, Фридман Л М, Гарцков М. Г. Психолого-дидактический справочник преподавателя высшей школы.-М.: 1999.
11. Сафо О. Мустақиллик ва тарбия масалалари. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
12. Слостенин В. А. и др. Педагогика. – М.: 1997.
13. Теория и практика воспитательных систем / Под ред. Л.И. Новиковой: В 2 к.н. – М: 1993.
14. Щуркова Н. и др. Новые технологии воспитательного процесса. – М.: 1993.
15. Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. Т.: 2001.
16. Ўзбек педагогикаси тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1997.

17. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётдан лавҳалар. – Т.: Фан, 1996.
18. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Т.: Чўлпон, 1992.